O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 11299

**Da'vat**

Болага таълим беришдан мақсад, уни келгусида ўқитувчининг кўмагисиз униб ўсишга лаёқатли қилишдир.

Эльберт ХАББАРД

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 10 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 89 (7182)

**Ibrat**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Алишер Навоий номидаги республика давлат кутубхонасига 400 номдаги 800 га яқин дарсликлар, шунингдек 2,5 миллион сўмлик чек топширилди.

## БУ ЮРТГА АЛПОМИШ ҚАЙТДИ

Борганимда кўрсам,
дейди,
Қайтиб элга келсам,
дейди...
Боради элнинг тўраси,
Гумбурлар тоғнинг
дараси.

«Қайтиб элга келсам» деган Алпомиш қайтди бу элга. Чангалласа тоғни талқон қиладиган алпомишлар, шу элнинг жўмард фарзандлари пешвоз чиқишди унга, Алпомиш оғасининг пойларига гуллар сочишди. Бир қўлида ёй, бир қўлида Ҳумо қуши тутган, бошига дубулға кийган, элини озод ва обод кўриб, кўзлари чақнаган Алпомишнинг кўнглидаги гапларини чечан бахшилар жуда топиб айтишди: «Дам шу дамдир ўзга дамни дам дема, Бошинг эсон давлатингни кам дема».

Элимизга Алпомиш бобонинг қайтиши ва достон яратилганлигининг 1000 йиллиги 6 ноябрь куни Термиз шаҳрида катта тўй-тантана билан нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Алпомишнинг кўкка мағрур бўй чўзган ҳайкали пойига Ўзбекистон Президенти номидан анвойи гуллар қўйилди.

«Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири, севган паҳлавони бор, - деб таъкидлади мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Алпомиш» достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарда сўзлаган нутқида. - Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру ғурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.»

Юбилей тантаналарининг асосий қисми бўлиб ўтган Термиз шаҳри марказидаги «Алпомиш» меъморий мажмуи ёнига қурилган улкан саҳнада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган бадиий жамоалар ўз чиқишлари билан йиғилганлар қалбида ёрқин таассуротлар уйғотдилар.

Шу куни Термиз шаҳрида Германия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжон, Россия каби дунёнинг ўнлаб давлатларидан келган йирик фольклоршунос олимлар иштирокида «Алпомиш» достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти» мавзуида халқаро илмий анжуман ҳам бўлиб ўтди. Анжуманда сўзга чиққан олимлар «Алпомиш» достонининг дунё маънавияти хазинасида тутган беқиёс ўрни ҳақида алоҳида таъкидлаб гапирдилар.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тантаналар элнинг катта тўйига айланиб кетди. Тантаналарда Ўзбекистон бахшичилик мактаби вакили Шоберди бахши Болтаев сибизға садолари остида тўлқинланиб айтган «Алпомиш» достони узоқ-яқинларга таралди. Яна бир карра элдошларимиз қалбларининг қат-қатларига сингганда бўлди:

Бу устунда яшил кўклар,
Бундай кунда кўнгли
тўқлар,
Ҳар ким бир-бирини
йўқлар,
Отилмаган хурма тўплар,
Отил-ҳа, Алпомиш келди.
Пешвоз чиқ,
Алпомиш келди!

**Икром БЎРИБОЕВ**



## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ

**O'zbekiston — Xitoy**

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзэминнинг таклифига биноан 8 ноябрь куни давлат ташрифи билан ХХРга сафари олдидан оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг жаҳондаги мавқеи, унинг иқтисодий салоҳияти ҳақида тўхталиб, бу мамлакат билан Ўзбекистон ҳамкорлигининг ҳали имкониятлари жуда кенглигини алоҳида таъкидлади. Улардан самарали фойдаланиш учун эса, аввало транспорт, яъни коммуникация масаласини тезроқ ҳал этиш лозим, деди Ислом Каримов.

ЎзА мухбирининг хабарига кўра ўша куниёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ХХРга етиб келди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ва ХХР раиси Цзян Цзэминнинг юзма-юз суҳбати бўлиб ўтди. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро муаммолар, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилиб, алоқаларни янада мустаҳкамлашга бирдек кучли эътибор қаратишга келишиб олдилар. Икки мамлакат расмий делега-цияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида телекоммуникация, транспорт, сайёҳлик, савдо-сотиқ, таълим, ҳуқуқ ва қатор бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўрилди. Музокаралар якунида икки давлат раҳбарлари Ўзбек-истон Республикаси билан ХХР ўртасида Дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан ХХР ўртасида Экстрадация тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Шунингдек, телекоммуникациявий алоқа, ақлий мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, Хитой томонидан Ўзбекистонга имтиёзли кредит бериш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Хитой Дипломатия университети ўртасида, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитой давлат сайёҳлик қўмитаси ўртасида ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги билан Хитой Жамоат хавфсизлиги вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳам ҳужжатлар имзоланди.

Оқшом ХХР раиси Цзян Цзэминь номидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига қабул маросими уюштирилди.

Ташрифнинг иккинчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Пекиннинг диққатга сазовор қадамжолари билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари ХХР ташқи савдо иқтисодий ҳамкорлик вазири Ши Гуаншен ҳамда Хитойнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилиб, икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, амалдаги ҳамда истиқболдаги лойиҳалар ижроси муҳокама қилинди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Халқ йиғини уйида Бутунхитой халқ вакиллари йиғини доимий қўмитаси раиси Ли Пэн билан учрашиб, икки давлат парламентлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

## Президент Ислом Каримовнинг «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Кечагина биз халқимиз озодлиги йўлида жон фидо этган миллий қаҳрамонимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини кенг нишонладик.

Бугун эса аждодларимиз бадиий даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги — “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги байрамида сиз азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан ғоят мамнунман.

Ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий баҳодири, севган паҳлавони бор. Алпомиш номи ҳам бизнинг шууримизга мунис оналаримиз айтган аллалар билан кирган. Аждодлар ёди, фахру ғурури бизнинг хотирамизга Алпомиш тимсолида жо бўлган.

“Алпомиш” — ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти халқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб яшади. Ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келди.

“Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Муҳтарам биродарлар!

“Алпомиш” достони — бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир. Лекин нима учун биз унинг тўйини айнан Термиз шаҳрида, Сурхон воҳасида ўтказяпмиз?

Негаки, Сурхон воҳаси аввало “Алпомиш” достони туғилган қутлуғ маскан. Алпомиш мана шу бепоён яйловларда, баланд тоғ дараларида гумбурлатиб от чопган, шу юртнинг зилол қўлларидан сув ичган, шу мағрур элга муносиб паҳлавон бўлиб етишган.

Шунинг учун ҳам Барчиной душманларга қарата ғурур билан: “Менинг ёрим билсанг Бойсун султони”, деб айтади.

Сурхон жаҳон цивилизациясининг қадимий бешиклари — милоддан аввалги Кушон ва Бақтрия давлатларига замин бўлгани билан оламга машҳур. Воҳадаги Далварзинтепа, Холчаён, Тиллатепа, Зараутсой, Тешиктош, Фаёзтепа сингари кўҳна маконлар, у ерларда топилган археологик ашёлар кўпминг йиллик тарихимизнинг ноёб ёдгорликларидир.

Бу тупроқ азалдан илму ҳунар, ҳикмат ва санъат руҳи билан йўғрилган. Имом Ат-Термизий, авлиё Ҳаким ота каби улуғ зотларнинг ўлмас руҳи, ҳаётбахш ўгитлари баркамол авлодларни вояга етказди. Шубҳа йўқки, “Алпомиш”дек буюк обидалар, Алпомишдек мард паҳлавонлар айнан мана шундай муҳитда дунёга келади.

“Алпомиш” тўйининг Термиз шаҳрида ўтаётганида мен яна бир рамзий маъно кўраман.

Қачонки ўлкамизга жануб тарафдан ёв ҳамла қилган бўлса, Термиз унинг қаршисида метиндек қўрғон бўлиб келган. Термиз бугун ҳам она юртимизнинг жанубий сарҳадларида мустаҳкам қалъа бўлиб турибди.

Мана шу чегара ҳудудларида кўксини қалқон қилиб табиатан оғир-вазмин, аммо Ватан бошига синов тушса, жон фидо этишга ҳам тайёр ориятли халқ яшайди.

Бу довюрак ва ўктам халқнинг — Сурхон аҳлининг юрагида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган шижоат яшайди.

Бу юртда дунёнинг кураш майдонларида кураги ерга тегмасдан зафар қозониб, ўзбек номини бутун оламга тараннум этаётган юзлаб полвонлар яшайди.

Ишончим комилки, бундай қудрат соҳиби бўлган халқни ҳеч қандай ёвуз куч енголмайди.

Ҳурматли меҳмонлар, азиз ватандошлар!

Бугун биз сизлар билан “Алпомиш” достонининг 1000 йиллик тўйини нишонлаяпмиз. Лекин бу достонда тасвирланган воқеалар юртимизнинг неча-неча минг йиллик шонли тарихидан дарак беради.

Асардаги кичик бир далилга мурожаат қилайлик. Халқимизнинг қадимий тасаввурларига кўра, ўқ-ёй — ҳокимият нишони ҳисобланган. Алпомиш етти ёшида ўн тўрт ботмон біричдан — бронзадан ясалган ёйдан ўқ отиб, “алп” деган унвонга эга бўлади. Алп дегани — ҳокимият эгаси эканини инобатга олсак, бу достон кўп асрлик миллий давлатчилигимизнинг бадиий ифодаси эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Аслида, халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳбайтидир. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб ўзлигини йўқотмаган халқимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги муборак айёмда биз “Алпомиш”дек сўз дурдонасини яратган, уни асрлар оша авлодларга етказиб келган ижодкор халқимиз даҳоси олдида бош эгамиз.

Бугун биз минг йиллар давомида бу достонни куйлаб, гавҳардай асраб-авайлаб, бойитиб келган, номлари бизга номаълум бўлган юзлаб халқ бахшиларининг истеъдоди қаршисида таъзим қиламиз.

Агар иложи бўлса, мен ана шу инсонларнинг номларини маънавиятимиз тарихига олтин ҳарфлар билан ёзган бўлур эдим.

Муҳтарам жамоат!

Бахши-шоирлар ўз халқининг бийрон тилидир. Улар юртимизда доимо “Бахшили эл — яхшили эл” деб улуғланган.

Бугун биз Ёдгор бахши ва Тилла кампир, Жоссоқ шоир ва Амин бахши, Шерна бахши ва Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош ва Пўлкан шоир, Ислом шоир ва Абдулла шоир, Саидмурод Паноҳ ва Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши ва Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир шоир ва Шоберди бахши каби достончиларнинг номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли “Алпомиш” бор салобати ва нафосати билан яшаб келмоқда.

Бугун биз бу ўлмас асарни ёзиб олиш, нашр этиш, илмий ўрганиш, таржима ва тарғиб қилиш ишига улкан ҳисса қўшган Ҳоди Зариф, Ҳамид Олимжон, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби заҳматкаш инсонларни, кўплаб хорижий олимларни ҳам миннатдорлик билан эслаймиз.

Ҳурматли юртдошларим!

Термиз — Самарқанд, Бухоро, Хива сингари халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини бутун дунёга намоён этган кўҳна шаҳримиздир.

Мен бугун сизларнинг ҳузурингизда шуни маълум қилишдан бахтиёрманки, биз ҳадемай, Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаймиз. Шу маънода бугунги Алпомиш тўйи бўлажак катта тўйнинг дебочаси, десам, хато бўлмайди.

Бугун биз ўз афсонавий баҳодиримизга бўлган чексиз эҳтиром ифодаси сифатида бунёд этилган Алпомиш ёдгорлик мажмуини тантанали суратда очдик.

Кўз ўнгимизда енгилмас, жасур Алпомиш ўз уйи, ўз ёри, ўз юртини ёвуз ниятли ғанимдан ҳимоя қилмоққа шай бўлиб, шижоат ва қатъият билан қад ростлаб турибди.

Унинг тимсолида Ватанимизни ёмон кўзлардан, бало-қазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азамат ўғлонларимиз — бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфаси мужассам.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, мажмуани барпо қилишда юксак маҳорат ва санъатини намоён этган қўли гул усталарга, моҳир қурувчиларга, меъмор-муҳандисларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан ташаккурлар айтишга ижозат бергайсизлар.

Мен алоҳида мамнуният билан мана шундай савобли ишларимизда бизга ҳамиша хайрихоҳлик кўрсатиб келаётган ЮНЕСКО вакилларига, бугунги шодиёнамизга узоқ-яқиндан ташриф буюриб, қувончимизга шерик бўлган барча хорижий меҳмонларга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам ватандошлар!

Йиллар, асрлар ўтади, она Ўзбекистонимизда янги-янги авлодлар вояга етади.

Ишонаман, ҳар бир авлод мана шу қаҳрамонлик достонини асраб-авайлаб келгуси авлодларга етказади.

Ишонаман, халқимиз бугунги шодиёнадан руҳланиб, қадр-қимматини янада чуқурроқ англайди, ўзининг беқиёс жасоратини, букилмас иродасини, мустаҳкам иймон-эътиқодини намоён этиб, ёруғ келажак сари қатъият билан бораверади.

Ишонаман, ҳар қайси қишлоқ, ҳар қайси шаҳар, ҳар бир хонадонда янги-янги алпомишлар дунёга келади, ватанга садоқатли, жасур ва енгилмас инсонлар бўлиб улғаяди.

Сурхон воҳасининг бетакрор табиати, Боботоғ, Бойсун, Вахшивор сингари баланд тоғлари, Олтинсой, Сангардак, Сайроб, Хонжизза каби гўзал гўшаларини бир бор кўрган одам беихтиёр бу юртга мафтун бўлиб қолади.

Бу заминда яшаб, фидокорона меҳнати билан унинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшаётган инсонларга, айниқса, ёш ўғил-қизларимизга менинг ҳавасим келади.

Ҳар қандай инсон бу юраги очиқ, мард ва танти, ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом одамлар билан чин кўнгилдан яқин бўлишни истайди.

Шу унутилмас, ҳаяжонли дамларда Алпомишдек баҳодирларни камолга етказган она халқимга яна бир бор таъзим қиламан.

Юртимиз осмони доим мусаффо, халқимиз ҳамиша омон бўлсин!

**Munosabat**

## МЕН КИМГА ОВОЗ БЕРАМАН?

**Номзодларга муносабат билдириш жуда муҳим масала. Айниқса, мен бунга бефарқ қарай олмайман. Чунки мен овоз берадиган номзоднинг қўлида менинг тақдирим, манфаатларим туради. Шунинг учун аввало, номзодни обдон ўрганиб чиққан бўлардим. Бир кўришда хулоса чиқариш жуда қийин. Шунинг учун номзоднинг ўтмиши, босиб ўтган йўллари мени жуда қизиқтиради. Айниқса, оилавий ҳаёти, фарзандларига, турмуш ўртоғига, ота-онасига муносабатини билишим керак. Чунки, оиласига меҳрибон, ҳар бир оилавий муаммони бартараф этишга қодир бўлсагина халққа нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлади. Зеро, ўзбекчилигимизда, динимизда ҳам бировга кўпроқ манфаат бера оладиган, бировга зулм қилмайдиган, ширин сўз, меҳрибон инсонлар ҳақиқий мўмин мусулмонлар ҳисобланади. Мен овоз берадиган номзоднинг қайси соҳани мукаммал ўзлаштирганини билишим керак. Менимча, депутат иқтисодчи ёки ҳуқуқшунос бўлиши лозим. Энг аввало, номзод ҳақиқий инсон бўлсин! Инсонийлик, фидойилик, ватанпарварлик туйғуларини ўзида мужассамлаштирган бўлсин.**

**Ҳаммамизга маълумки, Собиқ Иттифоқ даврида фикримиз қарам бўлган, кимнингдир хоҳиши билан иш юритганмиз. Жумладан, айрим раҳбарларимиз ҳам, йиғилишларда умумий гаплардан нарига ўта олмайдилар. Савол билан мурожаат қилсангиз, берган жавобларига умуман қониқмайсиз. Бундай ҳолатлар биз ёшлар учун зерикарли ва кераксиз, деб ўйлайман. Демак, номзодлар, асосан ёшларнинг ҳам меҳрини қозониши, аниқ режа ва мақсадлари билан барчани орқасидан эргаштира олиши керак.**

**Шу ўринда барча тенгдошларимни ҳам сайлов жараёнларига бефарқ бўлмасликка чақираман. Номзодлар билан учрашувларда фаол қатнашиш, ҳақиқий депутатликка лойиқ инсонларни аниқлаш биз учун жуда муҳим! Менимча, ҳақиқий депутат шу пайтгача халққа манфаати теккан бўлиши керак. Бўлажак депутатнинг фидокорона меҳнатига, ақл-заковат, тафаккурига холис баҳо бериш бугун ҳаммамизнинг бурчимиз.**

Лазокат ТУРИКОВА,
тадқиқотчи

**Kollejlar hayotidan**

## ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ ЭТАДИ

Бугунги кунда Ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг билимли, ҳар томонлама етук бўлиши мақсадида кўзга кўринарли ютуқлар қўлга киритилди, десак муболаға бўлмас.

Албатта, таълим соҳасидаги янгиликлар, ўзгаришлар ёшларни билим олишга, ўз устида тинимсиз изланишга омил бўлиб хизмат қилади. Бироқ, таълим соҳасидаги ишларнинг барчаси амалда тадбиқ қилинаяптими, уларга билим юртларида бўлган эътибор, шарт-шароитлар қандай?

Ана шу мақсадда Тошкент вилояти Янгийўл технология коллежида бўлганимизда, ушбу саволларга жавоб топгандай бўлдик.

—Бизнинг билим юртимизда маърифатли, кучли ўқитувчилар сабоқ беради,- деб гап бошлади ушбу коллеж директори Одил Ўринбоев.- Шундан 6 нафари фан номзодидир. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мос ҳолда бир гуруҳ ўқитувчиларимиз кимё, бухгалтерия, физика, ўзбек тили фанлари ва мутахассисликлари бўйича китоблар ёзишиб, улар чоп қилинди.

Ёшларимизнинг билим савиясини оширишга хизмат қилувчи 500 минг сўмлик жамғармага эга бўлган кутубхонамиз ҳам мавжуд. Ўқувчиларимизнинг ўқишга бўлган қизиқишларини орттириш ҳамда уларни моддий рағбатлантириш мақсадида ҳар бир гуруҳдан бир нафар ўқувчига қўшимча стипендия бермоқдамиз. Агарда у ўқувчи жамият ишларида фаол қатнашса ҳамда гуруҳда фақат «аъло» баҳога ўқийдиган бўлса, уларнинг ойлик стипендиясига 1000 сўм миқдорида қўшиб бераяпмиз.

Коллежда ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда. Яъни прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни ҳимоя қилувчи муассасалардан вакиллар келиб, улар билан давра суҳбати тез-тез ўтказилиб турилади. Шунингдек, Янгийўл шаҳар кинотеатри томонидан Президентимизнинг «XXI аср бўсағасида» ҳамда «Ҳушёрликка даъват» асарлари асосида ҳужжатли фильм тайёрланди.

«XXI аср бўсағасида» ҳужжатли фильмида асосан Ўзбекистонимиз иқтисодиёти ҳамда бугунги равнақи ҳақида сўз бориб, мамлакатимиздаги «ЎзДЭУ», «Косонсой-Текмень», «СамКочавто» каби қўшма корхоналар фаолиятидан лавҳалар берилиб, уларнинг бугунги кундаги нуфузи ҳақида, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳақида маълумотлари берилган.

Иккинчи «Ҳушёрликка даъват» ҳужжатли фильмида Ўзбекистонда бўлиб ўтган мудҳиш 16 февраль воқеалари ҳамда диний оқимлар, уларнинг салбий хатти-ҳаракатлари ҳақида лавҳалар берилиб, ёшларга бу хилдаги диний оқимнинг хавфли эканлиги ҳақида кадрлар берилган.

Шаҳар прокурори Абдухалил Эшмуродов, милиция майори Ёқубхўжа Тиллахўжаевлар ҳам ҳужжатли фильмда қатнашиб, фильм давомида томошабин ўқувчиларга тушунтиришлар бериб бордилар.

Ҳа, бундай амалий ишларни кўриб, дилимизда қувонч пайдо бўлди. Негаки, бугун ёшлар шу руҳда, йўналишда ўқитилиб борилса, биз бемалол эртанги кунимизни ана шундай билимли, зукко йигит-қизларга топширишимиз мумкин.

**Моҳичеҳра АБДУҚАҲҲОР қизи**

## ҚЎНҒИРОТЛИК ҲИММАТЛИЛАР

**Obuna—2000**

Газета-журналлар ҳаётимиз кўзгуси. Уларнинг аҳамиятини изоҳлаш ортиқчадир. Гап - уларга обуна бўлиш, вақтли матбуотдан изчил ва самарали фойдаланишда.

Бу борада Қўнғирот туманида ибратли ишлар амалга оширилаётир. Туман ҳокимининг ўринбосари Юсуфбой Хўжаниёзов биз билан суҳбатда қуйидагиларни айтиб берди:

- «Обуна—2000» жараёнини уюшқоқлик билан ўтказишга ҳимматпарвар хўжаликлар зўр ҳисса қўшаётганликларини мамнуният билан таъкидлашни истардим. Жумладан, «Равшан» шоличилик ширкатлар бирлашмаси (бошлиғи Жўлдосбой Довутов) 2 та мактаб ва 1 та болалар боғчасини ўз ҳисобидан 90 минг 918 сўмлик, «Кўкдарё» шоличилик қишлоқ хўжалик ширкати (бошлиғи Муротбой Ўрозалиев) ўз ҳудудидаги 2 та мактаб ва 1 та болалар боғчасини 114 минг 965 сўмлик, «Хоразм» шоличилик ширкатлар бирлашмаси (бошлиғи Сатулла Абдуллаев) 5 та мактаб ва 1 та болалар боғчасини 271 минг 255 сўмлик, Ажиниёз номидаги шоличилик ширкатлар бирлашмаси (бошлиғи Ўсербой Қудеков) 1 та мактаб ва 1 та болалар боғчасини 68 минг 504 сўмлик газета-журналларга обуна қилдирди.

Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак» деган қанотли сўзлари саховатпеша раҳбарларга қанот бағишласа ажаб эмас, албатта.

**Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз**

## JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов халқимизнинг миллий қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Хоразмга ташрифи чоғида Урганчдаги жаҳон илми ривожига мислсиз ҳисса қўшган буюк алломалар Ал Хоразмий ва Ал Беруний меъморий боғларининг очилиш маросимида қатнашди.

• Мамлакатимизга амалий ташриф билан келган Туркманистон ташқи ишлар вазири Б.Шихмурадов ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов учрашуви чоғида икки мамлакат фуқароларининг ўзаро ташрифлари тўғрисида ҳукуматлараро Битим ва унга қўшимча протокол имзоланди.

• Туркия Бош вазири Булент Эжевитнинг Россияга қилган уч кунлик ташрифи давомида иккала давлат ўртасида савдо-иқтисодий, ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда «Ҳаворанг оқим» номли Россия табиий газини Туркияга етказиб бериш лойиҳасини амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

• Ироқ президенти Саддам Ҳусайн ан-Нажаф шаҳрида мамлакат диний уламолари билан учрашувда 1990 йилда Ироқнинг Қувайтга тажовузи туфайли минтақага киритилган АҚШ ҳарбийларини Форс кўрфазидан чиқиб кетишга мажбур қилиши мумкинлигини айтди.

# Танишинг! Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясининг 1999-2000 ўқув йилидаги совриндорлари



### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА ИРРИГАЦИЯ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**Гўзаль Ходжаева.** Тошкент Давлат университети 4-курс талабаси. Компьютерни, инглиз ва немис тилларини мукаммал билади. 1998-1999 ўқув йилида Улуғбек номли давлат стипендияси совриндори бўлган, 4 та экология муаммоларига бағишланган илмий мақола муаллифи.



### ТЕХНИКА ВА ИНФОРМАТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**Жаҳонгир Нурмуҳамедов.** Тошкент темир йўллари транспорти инженерлари институти 4-курс толиби. Инглиз ва немис тилларида сўзлаша олади, компьютер бўйича мутахассис. Бўш вақтларида спорт билан шуғулланади.



### ТИББИЁТ, ДОРИШУНОСЛИК ВА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

**Саида Рафиқова.** Тошкент педиатрия тиббиёт институти 6-курс талабаси, инглиз ва немис тилларини билади, компьютер сирларини мукаммал эгаллаган. Болалар асаб касалликлари генетикасига бағишланган 2 та илмий мақола чоп қилган. 1998-1999 ўқув йилида Ибн Сино номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Уй ҳайвонлари ва гулларни яхши кўради, сув спорти билан шуғулланади.



### ИЖТИМОИЙ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

**Дилшод Ғойипов.** Урганч Давлат университети ўзбек филологияси факультети 4-курс толиби. Инглиз ва француз тилларини мукаммал билади. 1998-1999 ўқув йилида Навоий номли давлат стипендияси совриндори бўлган, шеърлари республика матбуотида эълон қилинган.



### ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА КИМЁ-БИОЛОГИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

**Шоҳимардон Мусаев,** Самарқанд Давлат университети амалий математика ва информатика факультети 4-курс толиби. Компьютерни яхши билади, инглиз ва немис тилларини яхши билади, 3 та илмий мақола чоп қилган. 1998-1999 ўқув йилида Улуғбек номли давлат стипендияси совриндори бўлган. Жамоат ишларида фаол қатнашади.



### ИҚТИСОДИЁТ МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА

**Шуҳрат Исмоилов.** Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти 4-курс толиби, муҳандис-иқтисодчи йўналишида таҳсил олади. Компьютерни яхши билади, инглиз ва немис тилларида бемалол гаплашади. Иқтисодиёт муаммоларига бағишланган 4 та илмий мақола чоп қилган. Республика олимпиадалари ғолиби.



### ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**Азамат Суюмов.** 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти 6-курс толиби. Юрак қон томирлари касалликлари йўналишида таҳсил олади ва шу муаммоларга бағишланган 4 та илмий мақолалар муаллифи. Инглиз ва немис тилларини билади, компьютер сирларини эгаллаган. Бўш вақтларида сув спорти билан шуғулланади.



### ҲУҚУҚ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**Фарҳод Муродов.** Тошкент Давлат иқтисодиёт университети 4-курс талабаси, халқаро маркетинг ва менежмент муаммоларига бағишланган 5 та илмий мақола муаллифи. Компьютерни яхши билади, инглиз ва немис тилларини мукаммал ўрганган. Бўш вақтларида мусиқа ва теннис билан шуғулланади.



### ЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА

**Азизжон Ризаев.** Тошкент Давлат шарқшунослик институти шарқ филологияси 4-курс толиби. Компьютерда ишлашни яхши кўради, араб ва инглиз тилларида бемалол гаплашади, 4 та илмий иш чоп қилган. Республика матбуотида тез-тез чиқиб туради.



### ЧЕТ ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА

**Гули Эргашева.** Андижон Давлат тиллар педагогика институти 4-курс талабаси. Компьютер сирларини, инглиз ва немис тилларини мукаммал эгаллаган. 2 та илмий мақола чоп қилган.

## 6 МИНГ ЙИЛЛИК ХАЗИНА

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, дунёда 6 минг йилдан буён олтин қазиб чиқарилади ва бу давр мобайнида қазилган олтиннинг оғирлиги тахминан 100 минг тоннага баробардир. Бугунги кунда жаҳондаги олтиннинг 70 фоизи Жанубий Африка Республикасида қазиб олинмоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган энг олий нав олтиннинг ҳам жаҳон биржаларида қадри баланддир.

## ПАСАЙИШ КУЗАТИЛМОҚДА

Охирги 50 йил давомида сувдан нотўғри фойдаланганлик оқибатида дунёнинг ўнлаб йирик дарёларининг сатҳи пасайиши кузатилмоқда. Ҳозирда ер юзи аҳолиси учун бир йилда сарфланаётган сув миқдори 7000 куб км.ни ташкил этмоқда. Дунё аҳолисининг 10 фоизи эса мутлақо сифатсиз сувдан фойдаланишлари натижасида жиддий зарар кўрмоқда.

## ФАВҚУЛОДДА ҲОЛЛАРДА АСҚОТАДИ

Анчадан буён Американинг «Плескул электроникс» фирмаси болаларга мўлжалланган «Литл оперейтор» телефонларини савдога чиқармоқда. Мазкур телефонларда рақам ўрнига полициячи, олов, тез ёрдам машинаси ва бошқа тасвирлар акс этган йирик тугмалар ўрнатилган бўлиб, бола керакли расмли тугмани босиши билан тезда алоқа боғланади.

## ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ

Япониянинг «Сисэйдо» косметик фирмаси мутахассислари ўн йиллик илмий изланишлардан сўнг, ёқимли ҳидлар инсон организмига ижобий таъсир этади, деган хулосага келишди. Эндиликда мамлакатнинг кўпгина компаниялари унумдорликни ошириш мақсадида иш жойларини хушбўй ҳидлар билан таъмин этишмоқда.

## НОАНЪАНАВИЙ АНЖУМАН

Тошкентда шу йил 2-5 ноябрь кунлари «Дин ва демократия» мавзуида халқаро, динлараро ва сиёсий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, ташқи алоқалар институти (Штутгарт), Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ва Конрад Аденауэр фонди ташкилотчилигида уюштирилди.

Ислом, насронийлик, яҳудийлик динларига оид илмий маърузалар атрофида кечган қизғин мунозаралар мутахассислару олимлар, диний муассаса раҳбарларининг фаол иштирокини таъминлади. Айниқса, «Диний экстремизм: тарихи ва ғояси», «Қадриятларнинг ОАВ орқали шаклланиши — ОАВнинг таъсиридан қатъи назар қадриятларни шакллантириш» каби маърузалар, «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмлари минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган омиллар хусусида иштирокчиларга янада кенгроқ тушунча берди.

Конференциянинг учинчи куни делегатлар кўҳна Самарқанднинг тарихий қадамжоларида зиёратда бўлди. Халқаро анжуман ниҳоясида «Диний—сиёсий экстремизмга қарши Тошкент резолюцияси» тайёрланди.

**Илҳом ЙЎЛДОШЕВ,**
**Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаси**

Tashviqot

## ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ НОМЗОДЛАР



*Баҳром Ғофурович Қодиров — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутатлигига «Адолат» социал-демократик партияси томонидан номзод этиб кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида 57-Яккасарой сайлов округидан рўйхатга олинган.*

*Баҳром Ғофурович Қодиров таълим тизимида кўп йиллардан буён ишлаб, тажриба тўплаган олим, раҳбар. Чунки Баҳром Қодиров Олий Мажлиснинг депутати сифатида жамиятимиз учун зарур бўлган қонунларни яратишда етарли ҳаётий тажрибага эга. Унинг фикрича қонунлар адолатли, ҳар бир шахс ижтимоий ҳимояланган бўлиши керак. Жамият тараққиётининг устивор омили ҳисобланган қонунлар жамиятга, инсонларга хизмат қилиши керак. Номзоднинг бу соҳадаги билимлари, ақл-заковати жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади, деган ишонч қуйидаги жумлаларда янада яққолроқ намоён бўлади:*

*Баҳром Ғофурович Қодиров 1940 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Миллати — ўзбек. Маълумоти — олий. Мутахассислиги — инженер-технолог.*

*Б.Қодиров 1962 йилда меҳнат фаолиятини Термиз пахта тозалаш заводида бошлаган. 1967 йилгача ўз ихтисослиги бўйича турли вазифаларни бажариб, 1970 йилгача илмий изланишда бўлди ва шу йили фан номзоди даражасини олди. 1970—1980 йилларда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ассистент, катта ўқитувчи, доцент сифатида фаолият кўрсатди. 1980 йилдан 1987 йилгача шу институт ректори лавозимида ишлади. 1987-88 йилларда Ўзбекистон ҳукумати йўлланмаси билан собиқ иттифоқ Олий таълим вазирлигининг Олий таълим ўқув методик бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаган. 1988 йил декабридан Б.Қодиров Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг Олий таълим ўқув-методик бош бошқармаси бошлиғи, 1992—1994 йилларда Халқ таълими вазири ўринбосари, 1994 йил декабридан эса Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректори вазифасида ишлаб келмоқда. 1998 йил ТДПИга Тошкент Давлат педагогика университети мақоми берилди.*

*Б.Қодиров университет ректори сифатида олий педагогик таълимни ислоҳ қилиш ва унинг ўқув методик таъминоти бўйича олиб борилаётган барча ишларда фаол иштирок этмоқда ва давлат таълим стандартларини тайёрлайдиган ишчи гуруҳга раҳбарлик қилмоқда. Б.Қодиров муаллифлигида 130 дан ортиқ илмий мақолалар, шу жумладан Олий ўқув юртлари учун 1 та дарслик, 28 дан ортиқ ўқув қўлланмалар ва 22 та ихтиролар муаллифидир. Унинг илмий раҳбарлигида 9 та аспирант номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.*

*Б.Қодиров Низомий номидаги ТДПУ ректорлик лавозимига тайин қилинган кундан бошлаб, бу олий ўқув юртида юксак раҳбарлик намунасини кўрсата олди. У техника соҳасида таянч олий маълумот, техника фанлари доктори илмий даражали олим бўлишига қарамай, ҳозирги замон педагогикаси ва психологияси ҳамда хусусий фанлар таълими технологияси бўйича билим ва кўникмаларини, илмий методик қарашларини намоён қила олди. Айниқса, олий педагог кадрлар тайёрлаш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ишлайдиган умумтаълим фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича ўзининг назарий ва амалий қарашларини Республика миқёсидаги анжуманларда, илмий-амалий семинарларда намойиш қила олди. Б.Қодировнинг бу сифатлари олий ўқув юртлараро илмий-услубий ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш таркибидан «Таълим» шўъбасига раислик қилиш фаолиятида яна кўзга ташланди.*

*Б.Қодиров Низомий номидаги ТДПУ қошидаги умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар таълими тизимига педагог кадрлар тайёрлайдиган университетлар, педагогика институтлари раҳбар ходимлари иштирокида ўтадиган «Таълим» илмий-методик кенгашига раислик қилган ва шахсан ўзи «Бакалавриат тўғрисида Низом», «Магистратура тўғрисида Низом», «Узоқ муддатли педагогик амалиёт тўғрисида Низом», «Олий педагогик таълим давлат классификатори» лойиҳаларини яратган.*

*Ҳозирда унинг сайловолди платформасининг негизини ёшлар тарбияси, таълим, фан, соғлиқни сақлаш тизимларидаги мавжуд муаммоларга ечим топиш каби масалалар ташкил этади.*

## «СИНФДОШ»НИ КЎРИБ...

Ёшлар тарбиясида телевидение ва радионинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Ойнаи-жаҳон орқали «Маърифат» бош муҳаррияти ходимлари томонидан тайёрланаётган таълим-тарбияга оид турли мавзудаги кўрсатув ва эшиттиришлар ёшларимиз тарбиясига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Мен ўқитувчи бўлганим сабабли ана шундай кўрсатув ва эшиттиришларни доимо кузатиб бораман. Шундай кўрсатувлардан бири «Синфдош»дир. Яқинда «Синфдош»нинг байрам сонини кўриб жуда завқландим. Сабаби, «синфдош»нинг аввалги баъзи бир сонларида ёшларимизнинг тарбиясига озмунча бўлса ҳам салбий таъсир кўрсатадиган суҳбатлар, яъни «дарсга боргим келмайди», «дискотекага бораман», «бозорга бориб пул топаман» ва ҳ.к. кабилар намойиш этилганди. Ана шундай суҳбатларни кўрган, эшитган ёшларимиз ўша йўлларга кириб қолмасмикин, деган фикрлар менинг хаёлимни чулғаб олганди. Тўғри, кўрсатув ижодкорлари нима ҳақда фикр юритишганини кўпчилик ёшларимиз тушуниб етишар, лекин баъзи ёшларимиз юқорида айтилган фикру-хаёлларга бориб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас, албатта. Бу билан мен кўрсатув ижодкорларини танқид қилишдан мутлақо йироқдаман. «Синфдош»нинг байрам сонини томоша қилган ҳар бир мухлис ундан анча завқ олган бўлса керак. Ёшларимизнинг мактаб остонасини қанчалик даражада соғинганлигини, унинг қадр-қимматини, синфдош ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган меҳру-оқибатларини ўзида акс эттирган ушбу кўрсатув ўқувчиларимизнинг мактаб ҳаётига, илм-фанга қизиқишларини орттириши табиийдир.

**Одилжон ХЎЖАНОВ,**
**Наманган туманидаги Увайсий номли 24-мактаб ўқитувчиси**

Taklif

# ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТЛАР: *БУГУНГИ ТАЛАБ ВА ЯНГИ ВАЗИФАЛАР*

Шахснинг, ёш авлоднинг ахлоқий тарбиясидек машаққатли ҳамда мураккаб жараён-одамзот яралгандан буён ўз ворисини етиштираётган катталарнинг мутахассисларнинг, ота-оналарни янгидан-янги изланишларга мажбур этган. Зеро, янгича ижтимоий-иқтисодий шароитларда вояга етаётган авлодни эски шарт-шароитлари, талаб-андозалар, воситалар асосида шакллантириш жамият келажагига тўсқинлик қилиши табиий. Шу боис мамлакатимизда ҳам янги, ривожланган буюк давлат, кучли жамият қуриш бошланган илк кунларданоқ таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида тубдан ислоҳотлар ўтказилиб келинмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш миллий таълим-тарбия мазмунини замонавий педагогик технология ютуқлари асосида бойитиш, педагогика фани тараққиётини республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари талабларига мувофиқлаштириш каби долзарб вазифаларни ҳал этиш

1

йўлида бир қанча олий ўқув юртлари, таълимнинг ҳар бир босқичи бўйича илмий тадқиқот институтлари, юзга яқин педагогика фанлари докторлари, кўплаб ёш олим ва тадқиқотчилар таълим-тарбия жараёнини ҳар томонлама ўрганиб келмоқдалар. Бироқ таълим-тарбия муаммоларидан ҳеч бири ҳанузгача ўз ечимини тўла-тўкис топа олмаётгани, илмий изланишларнинг етарлича самара бермаётганини аниқ кўрсатиб тургани ҳам сир эмас. Шундай экан, республикамизда педагогика фанининг бугунги тараққиёти мустақил давлатимизнинг таълим соҳасидаги сиёсатини изчил амалга оширишга, ўтказилаётган ислоҳотларнинг кутилган натижа беришига етарлича назарий-амалий ҳисса қўшиш учун бугун қандай илмий изланишлар олиб бориш заруррок деган савол туғилиши табиий. Тўғри, илмнинг чегараси йўқ, унда унчалик зарур бўлмаган масалаларни ҳам ўрганиш мумкин. Педагогика фани ўз тарихини ўрганишдан бошлаб, таълим-тарбия билан боғлиқ барча воситалар, ҳолатлар, жараёнларга хос назарий хулосалар, методик тавсиялар яратади. Бу фаннинг тадқиқот кўлами инсон фаолиятининг барча даврлари ва барча соҳаларини шунчалик кенг ва чуқур қамраб олади. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, фаннинг ижтимоий вазифаси давлат тузилмасига мос ҳолда ўзгариб боради. Шу боисдан ҳам янги педагогика фани сезиларли даражада ҳозирга қадар шаклланган анъанавий тушунчалар гирдобидан халос бўлиб, педагогик билимлар тизими ва унинг мантиқий тузилмаси ҳақида, унинг бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисидаги илмий тушунчаларни ўзгартириш йўллари ҳақида, назарий педагогик билимларни амалиётга қўллаш ҳақида янгича талқинларни ўртага қўймоқда.

Демакки, педагогикада методологик тадқиқотларнинг

2

долзарблиги бир томондан жамият эҳтиёжи — ўқув-тарбия тизимини такомиллаштириш билан, бошқа томондан эса — педагогик билимларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Мустақиллик шарофати туфайли педагогика фанининг тадқиқ соҳалари кенгайди. Эндиликда бу соҳада миллий-этник, антропологик, экологик масалалар шахс тарбиясида социал-ижтимоий муҳит билан маънавий-иқтисодий шароит уйғунлиги методологик асосга кўтарилди. Республикамизда мустақил Олий Аттестация Комиссиясининг ташкил этилиши эса илмий-тадқиқот ишларини, миллий меросимизни тиклаш ва қайтадан идрок этиш, миллий тарбиянинг назарий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш сари кенг йўл очди. Бу имкониятлар илмий тадқиқот ишлари, ҳимояга қўйилаётган диссертациялар мавзусида ўз аксини топди. Хусусан, таълим-тарбияда ўлкашунослик манбаларидан ўринли фойдаланиш бўйича «Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ўлкашунослик манбаларидан фойдаланишнинг педагогик асослари», «Ўзбекистон ҳунар-таълим билим юртларида миллий бадиий ҳунарларни ўрганишнинг дидактик шарт-шароитлари» каби мавзуларда назарий ва амалий қимматга молик диссертациялар ҳимоя қилинди. Таълим жараёнига замонавий техник воситаларни жорий қилишга бағишланиб информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан дидактик машқлар тизимига оид, педагогика олий ўқув юртларидаги математика дарсларида сонли усулларни қўллашга доир, ўқувчилар билимини баҳолашда статистик таҳлилдан самарали фойдаланиш йўллари бўйича бажарилган диссертациялар ҳам таълимнинг янги муаммоларини ҳал қилишга қаратилди.

3

Миллий тарбиянинг моҳияти ва назарий масалалари мавзусида бажарилган илмий тадқиқотлар ҳам миллий педагогиканинг ўзига хос жиҳатларининг шаклланишида муҳим ҳисса бўлди. Миллий тарбиянинг педагогик асослари, ўзбек оиласидаги маънавий-ахлоқий тарбия асослари, комил инсон тарбияси, ахлоқий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларига бағишланган докторлик диссертациялари, миллий маънавий қадриятларимизнинг педагогик асослари, илғор маърифатпарварларининг педагогик қарашларига бағишланган номзодлик диссертациялари ҳам педагогика фанига назарий-амалий ҳисса бўлиб қўшилди.

Аммо юқоридаги ютуқлар ҳали республикамизда педагогика фани ўзига хос илғор тараққиёт йўлидан бораяпти деган хулосани бермайди. Кўпгина тадқиқотлар эскича анъаналар таъсирида ёзилган бўлиб, таълим-тарбиянинг янги вазифаларини бажаришга қодир эмас, маънавий жиҳатдан эскирган илмий қарашларнинг оддий умумлашмасидангина иборат. Туб ислоҳотларни бошидан кечираётган таълим тизимимизда жиддий илмий тадқиқотлар орқали ўз ечимини кутаётган муаммолар эса жуда кўп.

Миллий мафкура асосини ташкил қилувчи янги фикрлаш, республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларга хос ҳаёт тарзи, дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик асослари ҳали тўла ишлаб чиқилмади. Президентимиз ҳақли равишда ёшлар, кишиларимиз дунёқарашида ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдирувчи назария ва амалий тавсия, ташкилий шакллари етишмаяпти, деб таъкидламоқдалар.

4

E'tibor

# «УСТОЗ»НИНГ ЙЎЛИ ОЙДИН

Кадрларни юксак маънавиятли ва ҳар томонлама етук мутахассислар қилиб тарбиялашда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг савияси, малака ва билимлари бугунги кун талабларига жавоб бера оладими? Олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган домлаларимизнинг даврдан ортда қолмаслиги, билим даражаси, малакасини ошириш учун нималарга эътибор бериш лозим? Шу каби муаммоларни бартараф этиш мақсадида 1997 йилнинг декабрида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Устоз» республика жамғармаси ташкил этилган эди.

Қуйида жамоатчи мухбиримизнинг «Устоз» республика жамғармасининг Ижрочи директори, жамғарма бошқаруви раисининг ўринбосари, тарих фанлари номзоди Абдужаббор ака Абдувоҳидов билан учрашиб, тайёрлаган суҳбатини ўқийсиз.

**— Абдужаббор ака, «Устоз» жамғармаси сўнгги икки йил ичида икки марта танлов эълон қилди. Ана шу танловларда олий ўқув юртлари педагог ва ходимларнинг қатнашиш натижалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Ҳар йили матбуотда жамғармамиз танловига қатнашишни истовчилари учун унинг шартларини эълон қиламиз. 1998 - 1999 ўқув йили учун 25 мутахассислик бўйича 862 та грант эълон қилган эди. Танловга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри олий ўқув юртларидан 979 та ҳужжат қабул қилиниб, шулардан 166 киши грант соҳиби деб топилди. Уч босқичдан иборат синовлар жуда холисона ўтказилди.

1999-2000 ўқув йили учун эса 28 мутахассислик бўйича 150 ўринга танлов эълон қилдик. Танловга қатнашиш учун 462 та ариза топширилди. Шулардан 106 киши грант совриндорлари бўлишди.

Ҳозиргача турли мутахассисликлар бўйича грант совриндорлари бўлган 185 киши Америка Қўшма Штатлари ва Исроил давлатларида бўлиб, малакаларини ошириб қайтишди. Шу йилнинг июль ойида педагогика йўналиши бўйича грант совриндорларидан 34 киши АҚШнинг Мериленд университетида, иқтисод йўналиши бўйича, 20 киши Нью-Пальц университетида бўлиб тажриба алмашиб қайтишди.

Яна бир-икки ой ичида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича грант соҳибларидан 20 кишини малака ошириш учун Англияга, 40 кишини Германияга ва авиация соҳаси бўйича 6 кишини Россияга юборишни мўлжаллаб турибмиз.

**— Абдужаббор ака, сиз келтираётган маълумотларни эшитиб, хаёлга чўмиб қолдим. Баъзида ишонгингиз ҳам келмайди. Ахир, бундан 9—10 йил илгари чет элларга бундай сафар, бу каби ўқишлар ҳақида орзу қилиб ҳам бўлмасди. Эсингиздадир, бундайроқ мамлакатга 4-5 кунлик сафарга чиқиб келиш учун ҳам Москванинг розилигини олиш учун неча кунлаб кутишга тўғри келар эди. Амаллаб рухсат олганингиздан кейин ҳам бирор давлатга бориш учун албатта, Москва орқали жўнаб кетиларди. У ердан махсус йўл-йўриқлар кўрсатиларди-да...**

— Ҳа, бундай ютуқларга эришишимизнинг асосий манбаи-жонажон мустақиллигимиздир. Мустақиллик туфайлигина барча ҳуқуқларни қўлга киритдик. Жумладан, ўқиш ёки таълим олиш эркинлигини ҳам. Тасаввур қилинг-а, ҳозир қанчалаб ёшларимиз чет мамлакатларнинг мана-ман, деган олий ўқув юртларида ўқишяпти, малака оширишаяпти. Буларнинг барчаси мустақиллик туфайлидир.

**— «Устоз» жамғармаси айни вақтларда яна қандай ишларни амалга ошираяпти? Қандай режалар устида иш олиб бораяпсизлар?**

— Жамғармамиз доим ҳаракатда, изланишда. «Устоз» республика жамғармаси нотижорат хайрия ташкилотдир. Тўғри, муассисларимиз, ҳомий ташкилотларимиз бор. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида муассис, ҳомийларнинг қўлига қараб ўтириш билан иш битмайди. Шунинг учун жамғарма учун маблағ топишга ҳаракат қиляпмиз. Чет эллик ҳамкасбларимиз билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузаяпмиз, грантларга қатнашяпмиз. Яқинда жамғармамиз ЮНЕСКОнинг Таълим, маданият ишлари соҳаси бўйича танловга қатнашиб, 20 минг долларлик грант соҳиби бўлишга эришди.

Марказимизда 16 та замонавий компьютерлар ўрнатдик. Ёш олим, педагоглар улардан фойдаланишлари мумкин. Компьютерларни ўрганиш бўйича бепул ўқув курслари ташкил қилганмиз.

Шу йилдан бошлаб жамғармамиз марказида турли мутахассисликлар бўйича икки ҳафталик ўқув курслари ташкил қилдик. Жамғармамиз ташаббуси билан журналистларни тайёрлаш халқаро маркази ЮНЕСКОнинг Медиа Ресурс маркази ва IREX (Айрекс)нинг «IATP» /Ай-эй-ти-пи/ дастури билан биргаликда икки ҳафталик «Журналистика-99» ёзги мактаб ўқув машғулотлари ташкил қилди. Ўқув машғулотларида журналистика факультетлари профессор-ўқитувчи ва юқори босқич аспирантлари, шунингдек республика оммавий ахборот воситаларининг ходимларидан 20 киши қатнашди.

Бугунги кун талаблари асосида ташкил этилган ўқиш давомида тингловчиларга тажрибали, етакчи мутахассислар замонавий компьютерлар билан ишлаш назарияси ва амалиёти, компьютерга матнларни киритиш ва уларни таҳрир қилиш йўллари, жаҳон «INTERNET» тизими ва электрон почта алоқаларидан фойдаланиш, макетда расмларни жойлаштириш, ранглар билан бойитиш, видео камера билан суратга олиш, видео ва аудиомонтажларни амалга ошириш усуллари бўйича дарслар ўтишди.

Журналистларнинг ёзги ўқув машғулотлари давомида айниқса хорижий матбуотларнинг тажрибали ходимлари ва журналистика соҳаси бўйича мутахассислар — Л.Идальго, Э.Вольберг, Д.Франс ва С.Орифхоновлар томонидан Англия, Канада, Германия ва Франция каби давлатлар оммавий ахборот воситаларининг бугунги кундаги фаолияти, иш тажрибалари ва муаммолари тўғрисида ўқилган маърузалар, шунингдек, улар билан ўтказилган жонли мулоқот, савол-жавоблар катта таассурот қолдирди. Худди шундай ўқув машғулотларини иқтисод ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича ташкил қилдик ва улар ҳам муваффақиятли ўтди.

**— Жамғармамиз орқали хорижда ўқиб, тажриба орттириб келган юртдошларимиз орттирган тажрибалари ёки олиб келган янгиликларни фақат ўзлари хизмат қилаётган олий ўқув муассасаларида ҳам ўргатишлари мумкинми?**

— Жамғармамиз ҳар йили бирданига минглаб ўқитувчи, ходимларни хорижга юбориб, малакасини ошира олмаслиги табиий. Шунинг учун хориждаги олий ўқув юртларида маълум муддатда малака ошириб қайтган ўқитувчи ва ходимлар ўз йўналишлари бўйича олиб келган янгиликларни нафақат ўзлари хизмат қилаётган олий ўқув юрти, балки республикамиз олий ўқув юртлари талаба ва аспирантларига ҳам ўргатишлари керак. Айниқса вилоятлардаги олий ўқув юртлари учун бундай тажрибаларни амалга ошириш, янгиликларни етказиш жуда зарур. Шу мақсадда «Устоз» жамғармаси дастурлар ишлаб чиққан ва ана шу дастурлар асосида хорижда малака ошириб қайтган ўқитувчи ва ходимларни ўз тажрибалари, олиб келган янгиликларини бошқа олий ўқув юртлари талаба ва ходимларга ўргатишга жалб қилади. «Устоз» жамғармаси вилоят олий ўқув юртларига маълум муддатга юборилган жамғарма совриндорларига йўл учун тўловлар, суткалик сарф-харажатларни ўз зиммасига олади. Ҳа, айтиб ўтиш жоизки, республикамизнинг ҳар бир минтақасида жамғармамизнинг вилоят бўлимлари очилган ва биз улар билан доимий алоқада бўлиб турамиз.

Жамғармамиз хорижий мамлакатлардан олинган энг янги технология, фан соҳасидаги янгиликларни оммалаштиришга ҳаракат қиладилар. Шулар билангина чекланиб қолмасдан, хорижий тилларни мукаммал эгаллаган грант соҳибларини чет элларга маъруза ўқишга юбориш учун тайёргарлик ишларини олиб бораяпмиз. Режа асосида амалга оширилаётган шу каби ишларимиз республикамиз, қолаверса унинг олий ўқув юртлари нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**Юсуф ҲАМДАМОВ**
**суҳбатлашди**

# ЖУРЪАТ

Ilk qadam

Таржима — тилшуносликнинг мураккаб, машаққатли соҳаси. Зеро, ўзга бир халқнинг туриш-турмуши, феъл-атвори акс этган асарни иккинчи бир халққа тандирдан узилган иссиқ нондек узатиш осон кечмайди.

Бу қиз билан танишганимга бир йилча бўлди. Камсуқум, сўзлаш оҳангида кўплаб китоблар ўқиганлиги сезилади. Таржима қилиш жони-дили. Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг инглиз тили факультетини бу йил тугатган Нилуфар катта йўл бошида турибди. Хорижий тилни билиш учун институтда ўқиш камлик қилади, деб ўйлайди ёш таржимон. Шу боис қаерга бормасин, бадиий ва луғат китобларни харид қилади. Инглизча китоб, журналлар мутолаа қилишни, таржималарини қайта-қайта кўздан кечиришни, таҳрир қилишни афзал кўради.

Илгари, 70-80-йилларда, ўзбек китобхонлари хориж ёзувчиларининг асарлари таржимасини рус тили орқали ўқишарди. Ҳозир ҳам мақтанадиган даражада эмасмиз. Бироқ, кейинги йилларда инглиз, немис, француз, испан, хитой, япон тилларини мукаммал ўрганиш имкониятлари вужудга келди.

Мана, фикримизнинг исботи. Оддий қишлоқ қизи инглизча асарларни ўзбекчага мардонавор ўгирмоқда. Ахир, бу ҳам катта журъатнинг белгиси.

Дарвоқе, Нилуфар Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманидан. «Соғинч каби чексиз» (марҳум шоир Равшан Файз айтганидек) даштлар Нилуфарни хоҳ Самарқандда, хоҳ Тошкентда бўлсин, ўзига чорлаб туради. Ўқувчилик йиллари кечган 34, 26-ўрта мактаб, устозлари, ота-онаси, ука-сингиллари бари-бари кўз ўнгидан ўтаверади.

— Унга китоб бўлса бўлди. Сепингга ҳам икки-уч сандиқ китоб соламиз, деб ҳазиллашаман. Тил ўрганишга қизиқади, болалигидан шундай. Бор ҳолича турмуш ўртоғим иккимиз ҳам Нилуфардаги қобилиятни асраб-авайлашга, ривожлантиришга шароит яратдик, — дейди Нилуфарнинг онаси Зираҳол опа.

Ёш таржимон қиз вақтли матбуотда анча-мунча таржималарини эълон қилишга улгурди. Вильям Сароянинг «Учрашув», Шели Жексоннинг «Чарлз» («Маърифат»), Агата Кристининг «Стимфалия қушлари» («Ҳуррият»), Кит Пирсоннинг «Тиниқ осмон» («Ўзбекистон овози»), К.Менсфильднинг «Бир пиёла чой» («Ёшлик» журнали) ҳикоялари шулар жумласидандир.

Матндаги сўз ва ибораларнинг маъносини чиқариш, асар қаҳрамонларининг феъл-атвори, руҳий кечинмаларини қандоқ бўлса шундайлигича бериш, табиийки, таржимондан уқув, ҳафсала, сабр-тоқат талаб қилади. Буни ёш мутахассис чуқур идрок этади.

Ўзбек ва инглиз тиллари бир-биридан тамоман йироқ. Бири роман-герман тиллар оиласига мансуб, бири туркий тиллар гуруҳига. Икки тилни, икки халқни бир-бирига яқинлаштириш йўлидаги уринишларингиз «мева» бераверсин, Нилуфар!.

**Ҳ.ТЎЙМАНОВА**

# ЁШЛАР — БИЗНИНГ ТАЯНЧИМИЗ...

Huquqiy tarbiya

Бухоро вилояти Ромитан тумани прокурори Мамасоли Ҳайдаров билан суҳбатимиз асосан ёшлар тарбияси хусусида бўлди.

**— Мамасоли ака, ҳуқуқни муҳофаза этувчи орган ходими учун ўз соҳасидан яқин, долзарб мавзу йўқ. Келинг, суҳбатимизни ҳам кўпчиликни қизиқтирадиган, ташвишлантираётган жиноятчиликка қарши курашга тааллуқли саволлар билан бошласак.**

**Ромитан вилоятнинг катта ҳудудга эга бўлган, кўп миллатли йирик туманларидан ҳисобланади. Шу боис туман меҳнаткашларининг тинчини, ҳақ-ҳуқуқини қонуний муҳофаза этиш биз тасаввур қилганчалик осон кечмаётгандир?**

— Сиз таъкидлагандек, ҳақиқатдан ҳам туманимиз анча йирик туманлардан саналади. Ромитан тумани Жондор, Пешку, Вобкент туманлари, Хоразм вилояти, Туркманистон республикалари билан чегарадош бўлиб, умумий ер майдони 1295 квадрат километрни ташкил этади. Туманимизда 12 миллат вакиллари бор. Аҳолининг сони юз минг нафардан кўпдир. Ҳозирги кунда туманимизда 2 та саноат корхонаси, 37 та маҳалла қўмиталари фаолият кўрсатмоқда, 40 та мактаб, 82 та мактабгача таълим муассасаларида 24 мингдан ортиқ ўғил-қизлар таълим олади.

Туманимиз асосан пахтачиликка ихтисослашганлиги боис, 18 та жамоа хўжалиги пахтачилик билан шуғулланади. Биз ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари одамларнинг миллатларига қараб имтиёзлар берилишига, бошқа миллат кишиларининг ҳуқуқлари камситилишига қарши кураш олиб бориб, уларнинг тинч-тотув яшашини таъминлаяпмиз.

Ана шу фактнинг ўзиёқ уларга Конституция асосида қардошларимизга барча шарт-шароитлар яратиб берганимизни кўрсатади.

**— Мавжуд маълумотларни кўздан кечирганимизда, содир этилган жиноятларнинг аксарияти ёшлар томонидан қилинганлигининг гувоҳи бўлдик. Бунга нима сабаб деб ўйлайсиз?**

—Бунинг асосий сабаби, мавжуд қонунларни билмаслик ва ҳуқуқий саводсизликдир. Жорий йилнинг шу давригача 7 та гиёҳвандлик, 9 та ўзгаларнинг мулкини талон-торож қилиш, 4 та номусга тегиш, 10 та йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар содир этилган. Энг ачинарлиси 9 та жиноят вояга етмаганлар томонидан қилинган. Биз шуларни назарда тутган ҳолда, қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар ишлаб чиқдик. «Сиз қонунни биласизми?», «Қонун ва бурч», «Қорадори — 99», «Орият», «Тозалаш» каби тадбирлар шулар жумласидандир.

**—Халқимизда бир болани етти маҳалла тарбиялайди, деган гап бор. Ҳозирги пайтда ёшлар тарбияси борасида маҳалла билан биргаликда ишлар қандай ташкил этилган?**

—Болалар тарбияси ҳақида сўз кетганда маҳалланинг номи тилга олиниши бежиз эмас. Ахир маҳалланг — ота-онанг деб бежиз айтилмаган. Инсон вояга етгунга қадар шу туғилиб ўсган маҳалласи кўз ўнгида ўсиб-улғаяди, унинг юриш-туриши ҳам шу маҳалланинг каттаю кичиги назарида бўлади. Ёшларни тарбиялашда маҳалланинг роли беқиёс. Лекин кўп жойларда, айрим маҳаллалардаги оқсоқоллар, маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари масъулиятни, ҳушёрликни унутиб қўйганликлари ҳам бизга қимматга тушмоқда. Бундай ачинарли фактлар «Чилонғи», «Газли», «Шўрчи», «Ҳазорбоғ» қишлоқ фуқаролари йиғини ҳудудларида кўпроқ кўзга ташланмоқда. Шунинг учун ҳам «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун асосида фаолият кўрсатаётган маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари ўз ҳудудларида маънавий-маданий ишларга эмас, балки барча қонунбузарлик билан боғлиқ ишларга ҳам бош-қош бўлишлари лозим. Шундагина биз кўзлаган мақсадга эришамиз.

**Рашид АСЛОНОВ**
**суҳбатлашди**



*Тошкент шаҳридаги 204-«Истеъдодли болалар» номли боғча-мактаб мажмуаси пойтахтнинг ибратли илм масканларидан бири ҳисобланади. Мажмуа жамоаси ўзларининг изланувчанликлари ва аҳилликлари туфайли ном қозонганлар.*

***Суратларда: боғча-мактаб мажмуаси ҳаётидан лавҳалар акс этган.***

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**



O'ynab-o'ynab o'rganamiz

# НАМУНА ОЛСА АРЗИЙДИ

*Пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 245-болалар боғчасида таълим-тарбияга оид тадбирлар тил ўрганиш ҳамда иқтисодий тарбияга йўналтирилган. Кичкинтойлар масканидаги 6 та русийзабон ҳамда 6 та миллий гуруҳларда 242 нафар жажжи ўғил-қиз тарбияланаётир.*

*Ҳафтанинг чоршанба куни «Ўзбек тилида сўзлашамиз» куни бўлиб, маҳаллий ширинтойлар учун эса рус тилини ўрганиш кунидир. Тайёрлов гуруҳининг русийзабон болалари билан услубчи ва ўзбек тили ўқитувчиси Тоҳира Усмонхўжаева машғулот олиб бораётир. Тайёрлов гуруҳида 24 нафар кичкинтой бўлиб, машғулот пайтида иккига бўлинадилар. Тоҳира дилбандлар билан ўтказаётган машғулотларда боланинг луғат бойлигини ошириш, нутқдаги «ҳа», «йўқ» сўзлари орқали фикрлаш қобилиятини ўстиришга, айниқса тез айтиш, топишмоқлар орқали* **қ, ғ, ў** *товушларининг аниқ, тўғри талаффуз қилинишига алоҳида аҳамият беради.*

*Масканда каратэ, инглиз тили, компьютер, «Севинч» рақс дастаси, шахмат-шашка, каштачилик, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси, моҳир қўллар, кулолчилик, «Она бўлгин, менга табиат» номли экологик тўгараклар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.*

*Инглиз тили тўгарагига дастлаб 12 нафар кичкинтой қатнашган бўлса, эндиликда 70 нафар бола фаол иштирок этаётир. Боғча тумандаги 9-ва 80-мактаблар билан ҳамкорликда иш юритади. Инглиз тили тўгарагига 9-мактаб ўқитувчиси Марғуба Тўхтаева раҳбарлик қилади. Болалар мактабга борганларида ҳам мазкур ўқитувчида инглиз тили фанидан сабоқ оладилар. Шунингдек, боғчадаги мусиқа раҳбари Ада Матевосьян раҳбарлигидаги «Севинч» рақс тўгараги аъзолари мактабда ҳам рақс сирларини узвий давом эттирадилар.*

*— Тил ўрганишни 1990 йилданоқ ўйлаган эдик, - дейди боғча мудираси Холида Иминхўжаева. - Бувижонларни йиғиб ёшликда айтган санама ўйинларни айтиб беришларини илтимос қилдик. Йиғилган 11 та ўйиннинг тарбиявий томонларини ўрганиб, рус тилидан ҳам маъқулларини олиб, тайёрлов гуруҳларида синадик. Кўргазмали қуроллар ясадик. Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси кенгашида иш тажрибаларимизни ўрганиш юзасидан ишчи гуруҳи тузилди. Айни кунларда боғчамиз рус гуруҳларида ўзбек тилини ўрганиш бўйича шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг таянч боғчаси ҳисобланади.*

*Зуҳра Шодмонова, Марғуба Содиқова, Муҳаббат Сайдалихўжаева, Матлуба Эргашева, Галина Рубо сингари тажрибали мураббийлар болалар кўнглига йўл топишда бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.*

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

Tadbir

# ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИЛДИ

**Қумқўрғон туманида Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасининг ташаббуси билан ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ўртасида 8 фандан олимпиада ўтказилди. Мар-ҳум маориф жонкуяри, кўп йиллар вилоят халқ таълими бошқармасин и бошқарган Сафар Соҳибов хотирасига бағишлаб уюштирилган ушбу тадбирни бошқарма бошлиғи Бобораҳим Мирзаев очди. Вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти проректори А.Саломов эса С.Соҳибов ҳаёти ва фаолияти тўғрисида батафсил сўзлади.**

**Кекса маорифчи Р.Рустамшоев ҳам у киши ҳаётидан айрим ибратли воқеаларни сўзлаб берди. Шундан сўнг туман 11-синф ўқувчилари ўртасида она тили ва адабиёти, тарих, ҳуқуқ, математика, информатика, физика, кимё, биология фанлари бўйича тест синовлари ўтказилди. Юқори ўринларни эгаллаганлар фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди ва уларга эсдалик совғалари берилди.**

**Норқувват ТЎРАЕВ,**
**Термиз шаҳри**

Президентимиз ҳақли равишда ёшлар, кишиларимиз дунёқарашида ҳосил бўлган бўшлиқни тўлдирувчи назария ва амалий тавсия, ташкилий шакллари етишмаяпти, деб таъкидламоқдалар.

Эндиликда ижтимоий ҳаёт жараёнидаги ўзгаришлар, янгиликлар, таълим жараёнига, тизимига кириб кетиши ва ўқитиш усулларининг асосини ташкил қилиши керак.

Эндиликда педагогика назарияси ва амалиёт муаммоларини тадқиқ қилиш технологик ёндашув асосида олиб борилиши лозим. Бошқача айтганда, педагогикага мутлақ технологик жараён сифатида қараш ва у таълим-тарбия соҳасининг барча қатламлари ва босқичларини қамраб олиши кераклигини унутмаслик керак.

Педагогика фани жамият эҳтиёжи ва ривожланаётган шахс қизиқишларига ҳамоҳанг ҳолда сунъий тарбиявий жараённи яратиш қонуниятларини ўрганиш ва бу интенсив жараённи амалга ошириш билан шуғулланади. Ана шу сунъий тарбиявий тизим — «педагогик тизим» ундаги жараёнлар эса «педагогик технология» деб аталмоқда. Педагогик тизим ташқарисида ҳеч қандай мақсадли таълим-тарбия жараёни юз бермайди. Педагогик технология - бу амалиётга жорий этиш мумкин бўлган педагогик тизим лойиҳасидир. Унинг асосида «ташхисланувчан мақсад», «таълим-тарбия мазмуни», «дидактик жараёнлар», «ташкилий шакллар», «объектив назорат», «таълим стандартлари» каби тушунчалар ётади. Бу тушунчалар педагогик технологиянинг методологик жиҳатларини ўзида акс эттиради ва янги

5

тадқиқот йўналишларини белгилаб беради.

Шунга кўра, илмий тадқиқотларда «ўқувчи — педагогик жараён--ўқитувчи» функционал тизими қонуниятларига тегишли билимлар асосида яратиладиган замонавий педагогик технологиянинг моҳияти ва ривожланиш йўллари, барча фанлар бўйича замонавий педагогик технология лойиҳаларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш, ўқитувчи фаолиятини янги педагогик технологияга мослаш масалалари ўз ифодасини топиши зарур.

Республикамиз миллий таълими моделидаги асосий бешта бўғиннинг узвий боғлиқлигига асосланган шахс камолотини, ёшлар, мутахассисларнинг маънавий-амалий сифатларини давлат ва жамият, ишлаб чиқаришдаги ҳаётий жараёнларда бунёдкорона иштирок этиш асосида шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия жараёнига ўтиш вақти келди. Юқоридаги таълим жараёнига ўтиш табиий, ижтимоий-гуманитар ва мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнларида, усулларида, воситаларида чуқур ислоҳий ўзгаришлар қилишни тақозо этади.

Янги, кенг қамровли, чуқур илмий ғоялар, янгича фикр таълим-тарбиянинг янги методологик асосини белгилаб берувчи омилдир. Маънавиятнинг ақл, ахлоқ ва онгли амалий фаолиятдагина шаклланиши мумкинлиги тўғрисида Президентимиз билдирган фикрлар педагогларга янги ижтимоий вазифалар юклайди. Шуларнинг бири табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқасини таъминловчи таълим тизимини яратиш, инженер-педагог, педагог-медик каби янги мутахассислар

6

тайёрлаш жараёнини илмий-услубий жиҳатдан асослаш заруратидир.

Таълим тизимида янги босқич, янги типдаги ўқув муассасалари, академик лицей, коллеж, хусусий ўқув муассасаларининг тузилаётгани ҳам педагогика фанининг тадқиқот соҳалари ва муаммоларини кенгайтирмоқдаки, бу йўналишдаги илмий тадқиқот ишлари ҳозирдаёқ янги педагогик технологиянинг самарасини белгилаб бериши лозим.

Миллий таълим-тарбия тизимини бугунги давр талаблари асосида такомиллаштириш кўп жиҳатдан янги педагогик тадқиқотларнинг илмий савияси ва уларни таълим жараёнига татбиқ этишдан олинаётган натижага боғлиқлиги маълум. Шунга кўра, республикамизда педагогика фани миқёсида олиб борилаётган илмий изланишларни шу мақсад асосида янгидан кўриб чиқиш ва уни замонавий педагогик технологияни жорий этишнинг назарий асослари ва амалий тавсияларини яратишга йўналтириш тақозо этилмоқда. Бунинг учун, аввало, изланувчан илмий-педагогик кадрлар, олимлар кучини марказлаштириш вазифасини ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки бу тарқоқлик фундаментал тадқиқотларнинг юзага чиқишига имкон бермайди, илмий иш мавзуларининг такрорланишига йўл қўяди, фан йўналишларининг тор ва муҳим бўлмаган мавзулар билан чекланиб қолишига олиб келади. Илмий-педагогик салоҳиятни ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва таълим-тарбия мазмунидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтириш мумкин.

Ана шу мақсадда Ўзбекистондаги етакчи университетлар базасида олий ўқув юртларидан танланган энг истеъдодли педагог олимлардан иборат педагогикадан ягона марказлашган республика илмий семинари ташкил этилиб, унинг зиммасига биринчи галда педагогик тадқиқотларнинг мавзуларини мувофиқлаштирувчи кенгаш вазифасини ўташ юклатилса. Яъни докторлик ва номзодлик диссертацияларининг йўналишини бирлаштириб долзарб илмий муаммоларнинг ечимини ўз вақтида топишга қаратса. Шу орқали таълим ислоҳотларининг назарий асослари ҳамда амалий-услубий тавсияларнинг самараси юқори савияга кўтарилган бўлур эди.

7

Зеро, ёш тадқиқотчиларнинг у ёки бу илмий муассасада мутахассисларнинг тор доирасида ўз илмий ишларини муҳокамадан ўтказишлари диссертация савиясини кўтаришга ҳам, амалда кенг миқёсда татбиқ этилишига ҳам имкон бермаслиги аниқ. Илмий иш мавзуларининг кенг ва холисона муҳокама асосида тасдиқланиши тадқиқотчи учун ҳам, илмий раҳбар учун ҳам фойдалидир.

Аминмизки, педагогика фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаган чинакам олимларимиз, ёш тадқиқотчилар республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига янги билимлар, илмий исботлар билан бойитилган педагогик қарашлари билан муносиб ҳисса қўшадилар.

**Гуландом БОҚИЕВА,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

8

